



@buxdu_uz



@buxdu1



@buxdu1



www.buxdu.uz



E-ISSN 2181-1466

9 772181 146004



ISSN 2181-6875

9 772181 687004

10/2023

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



10/2023

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal
2023, № 10, noyabr

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.
Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.
Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liq Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich, filologiya fanlari doktori, professor

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor

Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoir Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bekova Nazora Jo'rayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Hamroyeva Shahlo Mirjonovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Nigmatova Lola Xamidovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori

Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Xolliyev Askar Ergashovich, biologiya fanlari doktori, professor

Artikova Hafiza Toymurodovna, biologiya fanlari doktori, professor

Hayitov Shavkat Ahmadovich, filologiya fanlari doktori, professor

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Ixtiyarova Gulnora Akmalovna, kimyo fanlari doktori, professor

Rasulov Zubaydullo Izomovich, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Samiyev Kamoliddin A'zamovich, texnika fanlari doktori, dotsent

Esanov Husniddin Qurbonovich, biologiya fanlari doktori, dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

КАРИМИ ХИЛҚАТ ИЧИНДА МАКОРИМИ АХЛОҚ...

*Ибботова Мадина Отабековна,
Бухоро давлат педагогика институти
Ўзбек ва рус тиллари кафедраси ўқитувчиси*

Навоийшунос олимлар Алишер Навоий ижодининг муҳим манбаларидан бири ислом таълимоти ва маънавияти эканлигини қайта ва қайта таъкидлайдилар. Исломиёй этиқод ва исломиёй тарбияни мукамал эгаллаган мутафаккир шоирнинг барча асарларида диний ва ирфоний, фалсафий ва ижтимоий, ахлоқий-маънавий қарашлар занжири бир-бири билан мустаҳкам боғланганки, натижа улуғ шоирнинг умуминсоний манфаатларга йўналтирилган қарашлари бир тизим шаклини олган.

Маълумки, Шарқ адабиётида ҳар бир асарни Аллоҳга ҳамд, Пайғамбаримиз (с.а.в)га бағишланган наът билан бошлаш анъана тусини олган. Бу эса улуғ шоирнинг энг кўп мурожаат қилган ва сеvimли мавзуларидан бири ҳисобланади.

Аллоҳ бутун борлиқни гўзал ва мукамал қилиб яратди. Бироқ у яратган “ўн саккиз минг олам” ичида энг мукаммали ва мўътабари инсон ҳисобланади. Ҳатто инсонни Аллоҳнинг ердаги халифаси сифатида шарафланганлиги диний манбаларда таъкидлаб ўтилган. Бироқ янада теранроқ ва кенг мушоҳада қилиб кўрсак, Аллоҳ бутун инсоният учун ўзининг яхшилиқ эшикларини охириги пайғамбар - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “оламларга раҳмат” қилиб юборилиши билан сийлади. Шу боис, ислом минтақа адабиётида бу улуғ зотнинг сифатлари ва мўъжизалари тасвирига кенг ўрин берилди. Натижада, “Пайғамбар (с.а.в.)ни мадҳ этиш, яхши сифатларини айтиб мақталиш”лари билан боғлиқ наътлар вужудга келди.

Наът – Шарқ адабиётида муҳим аҳамиятга эга. Наът – сўзининг луғавий маъноси сифатлаш, мақтов, васф қилиш деган маъноларни англатади.[3,444]

Алишер Навоийнинг кичик лирик асарларидан тортиб, лиро-эпик ва насрий асарларигача пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг васфлари бадиий талқин қилинган. “Бадоеъ ул-бидоя” девонидан келтирилган қуйида таҳлилга тортилган ғазал ҳам наът мавзусида бўлиб, унда Муҳаммад (с.а.в.) билан боғлиқ меърож воқеаси тасвирига бағишланган. Шунинг учун бу ғазални меърож наът ғазаллар сирасига киритишимиз мумкин.

Маълумки, “Меърож” сўзи бир неча маъноларда қўлланади. Жумладан, бу сўзнинг дастлабки маъноси шоти, нарвон, иккинчи маъноси юқорига (кўкка) кўтарилиш, учинчи маъноси Муҳаммад(с. а. в.)нинг Маккадан Қуддусга бориши ва Қуддусдан кўкка чиқиши маъноларида қўлланган.[2,388]

Етти байтли мазкур ғазалда *халлоқ, ахлоқ, офоқ, Буроқ, чаноқ, фироқ, муштоқ, Ироқ* сўзлари қофияланиб келган.

Зихи азалда карам айлабон санга халлоқ,

Карими хилқат ичинда макорими ахлоқ.[1,271]

Насрий баёни: Аллоҳ азалдан Сенга карам айлаб, бутун вужудингни яхши ахлоқ билан беади. Дастлабки байтда Халлоқ, карими хилқат, макорими ахлоқ каби сўз ва сўз бирикмалари изоҳга муҳтож. **Халлоқ** – яратувчи, Тангри; **карими хилқат** – сахий яратилиш; **макорими ахлоқ** – гўзал, яхши ахлоқ демакдир. Байтда Пайғамбаримизнинг гўзал хулқ эгаси эканликларига ишора қилинган. Мазкур қарашларнинг асосий манбаси эса Қуръони карим ҳисобланади. Қуръони каримнинг “Қалам” сурасининг 4-оятни каримасида “Ва албатта, сен улкан хулқдасан” дейилган. Ана шу оятнинг ўзиёқ Расули Акрамга берилган буюк ва гўзал таъриф ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳадисларда ривоят қилинишича, “Оиша онамиздан у кишининг хулқлари ҳақида сўрашганда, «Хулқлари Қуръон эди», деб жавоб берган эканлар. Демак, байтда келтирилган “макорими ахлоқ” Расули Акрамнинг Қуръонда таъкидланганидек гўзал хулқлар билан хулқланганликларига ишорадир.

Сипехр гунбазини равшан этгали зотинг

Чароғ ўлуб, анга қандил арсайи офоқ.

Насрий баёни: Осмон гунбазини равшан этиш учун Сенинг зотинг ер юзини (арсайи офоқ) ёруғ қилувчи чироғдир.

Иккинчи байтда Муҳаммад Мустафонинг меърожга кўтарилишлари билан боғлиқ тасвир келтирилган. **Сипехр** – осмон, осмон гунбази, фалак. **Арсайи офоқ** – ер юзи (дунё юзаси). Байтдаги чироғ, қандил сўзларини мажозий маънода ҳам англаш мумкин. Яъни бу сўзлар орқали илоҳий нурнинг жилваланишига ишора қилинган.

Нужум кўзларини гарди маркабинг ёрутуб,

Гаҳики секритибон чарх соҳатида Буроқ.

Муҳаддислар ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хуфтон намозидан сўнг Умми Ҳониъ бинти Абу Толибнинг уйида ухлаб ётганларида Исро ходисаси бошланди. Ўша кечаси Байтул Макдисга Буроқ номли ҳайвонга миниб бордилар. Сўнгра у ердаги катта харсанг тош устида турганларида Меърожга кўтарилдилар.

Демак, учинчи байтда келтирилган Буроқ пайғамбаримизга ҳамроҳ бўлган от. Ҳазалнинг учинчи байтида Расулulloҳ Буроқ отида олий мақом сари йўлга чиққанликлари тасвирланган. Буроқ туёқларини гарди юлдузларнинг кўзини ёритганлиги муболағали тарзида тасвирланган. **Соҳат** – майдон; **секримоқ** – чоптирмоқ, тез юргизмоқ. Буроқ оти ўз соҳибини чарх майдонида айлантормоқда. Тўртинчи байтда ҳам Буроқ тасвири билан боғлиқ фикрлар давом эттирилган.

Рикобинг ўпмагининг орзусида ою кун

Бериб Бурокинг учун ўзларига шакли чанок

Тўртинчи байтдаги **рикоб** – узанги; **чанок** – ҳайвонлар сув ичадиган идиш маъноларидаги сўз. Алишер Навоий ғазалда меърож воқеасининг нақадар улуғ бир мўъжиза эканлигини таъкидлашда Буроқ билан боғлиқ тасвирларга алоҳида эътибор қаратади. Бутун коинот Муҳаммад Мустафонинг меърожларини хурсандчилик билан кутиб олар экан, ою - кун ҳам нафақат пайғамбарга, балки унинг отига ҳам илтифот кўрсатишга тайёр. Ҳатто ою -кун Буроқ оти учун сув ичадиган идиш бўлишни хоҳлайди.

Бешинчи байтда муболағали тасвир янада кучайтирилади. Ҳилол (ой), меҳр (қуёш) ҳамда шиҳоб (учар юддуз) лар Мустаффо (с.а.в)нинг Буроқ отларига наъл (тақа) бўлди. Қолаверса, ҳилолу меҳру шиҳоб Расулulloҳ учун доғу алиф (зийнат учун кишининг юзига солинган алиф шаклидаги ўсмаранг доғ) ҳам бўлди. Шоир таъдид (Ҳилолу меҳру шиҳоб) орқали фикрларини янада таъсирли чиқишини таъминлаган.

Маълумки, улуғ пайғамбаримиз етти қат осмондан бирма-бир кўтарилар эканлар, уларда расулulloҳдан “дарди фирок” айрилиқ дарди колди. Иккинчи мисрада шоир ана шунга ишора қилади.

Ҳилолу меҳру шиҳоб ўлди наъл доғу алиф,

Фалакка бўлғали сендин насиб дарди фирок.

Ҳазалнинг олтинчи байтда осмон юлдузлари кўзга ўхшатишган. Бу кўзлар Пайғамбар (с.а.в.) йўлига муштоклиги сабабли юмилмайди. Юз минг кўзнинг муштоклиги эса висолнинг орқа сурилишини истамайди.

Сипеҳр ҳар кеча юз минг кўзин недин юммас,

Висолингга яна бир кеча гар эмас мушток?

Ҳазал мактабсида улуғ шоирнинг асл муддаоси ойдинлашган. Яъни Алишер Навоий ислом динининг асосчиси ва макорими ахлоқ билан сийланган Муҳаммад Мустафо мақомига етишни орзу қилишини таъкидлайди. Англашиладики, ислом оламида комил инсон тимсолида Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо шахслари тасаввур қилинади. Шунинг учун бу улуғ зотнинг сифатлари ва ахлоқлари билан ўз вужудини зийнатлантириш исломий эътиқотда тарбияланган ҳар бир мўмин учун фахр ҳисобланган. Жумладан, ҳазрат Навоий учун ҳам.

Мақомингга етайин деб Навоий айлар сайр,

Гаҳи Ажам била Неруз, гаҳи Ҳижозу Ирок.

Хулоса қилиб айтганда, А. Навоийнинг меърож мавзусини диний манбаларга суянган ҳолда бадиий акс эттиради. Бундай тасвирларда улуғ шоирнинг Расули Акрамга бўлган буюк муҳаббати уфуриб туради. Бундан ташқари, улуғ шоир ўз ўқувчисини комиллик фазилятларига эга бўлишида Муҳаммад Мустафо сиймосидан фойдаланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. I жилд. Бадоеъ ул-бидоя. –Т.: Фан, 1987.
2. Навоий асарлари лугати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.
3. Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. –Т.: Фан, 1983

MARKAZIY OSIYODA XAVFSIZLIK VA BARQARORLIKNI TA'MINLASHNING
MAFKURAVIY-SIYOSIY JIHATLARI

*Paluaniyazov Bayram Yesemuratovich,
Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi huzuridagi
Ijtimoiy-ma'naviy tadqiqotlar instituti mustaqil tadqiqotchisi*

Annotatsiya. Mazkur maqolada Markaziy Osiyoda xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlashning mafkuraviy-siyosiy jihatlarini borasidagi fikrlar bayon etilgan. Shuningdek, maqolada O'zbekistonning so'nggi yillarda Markaziy Osiyodagi siyosiy vaziyatga yangicha yondashuvi, qo'shni mamlakatlar bilan keng ko'lami hamkorlikni rivojlantirib borayotganligi ilmiy jihatdan yoritilgan.

Kalit so'zlar: Markaziy Osiyo, xavfsizlik, barqarorlik, mafkura, geosiyosat, demokratiya, terrorizm, iqtisodiyot, ekstremizm.

ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ
БЕЗОПАСНОСТИ И СТАБИЛЬНОСТИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация. В данной статье описаны идеологические и политические аспекты обеспечения безопасности и стабильности в Центральной Азии. Также в статье научно освещен новый подход Узбекистана к политической ситуации в Центральной Азии и развитию широкомасштабного сотрудничества с соседними странами.

Ключевые слова: Центральная Азия, безопасность, стабильность, идеология, геополитика, демократия, терроризм, экономика, экстремизм.

IDEOLOGICAL AND POLITICAL ASPECTS OF ENSURING SECURITY AND STABILITY
IN CENTRAL ASIA

Abstract. This article describes the ideological and political aspects of ensuring security and stability in Central Asia. The article also scientifically highlights Uzbekistan's new approach to the political situation in Central Asia and the development of large-scale cooperation with neighboring countries.

Key words: Central Asia, security, stability, ideology, geopolitics, democracy, terrorism, economics, extremism.

Kirish (Introduction). Markaziy Osiyo mamlakatlarida xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlash, xalqaro hamkorlikni kuchaytirish va davlatning mustaqilligini saqlash maqsadida milliy xavfsizlik tushunchalari yaratilgan. Ularda mamlakatlarning o'ziga xos xususiyatlari bo'lsa-da, umumiy mazmunlar keltiriladi.

Markaziy Osiyoda xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlashning mafkuraviy-siyosiy jihatlarida davlatning himoyasi, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, xalqaro hamkorlikni kuchaytirish va boshqa munosabatlar ko'rsatiladi. Bu haqida siyosatshunos A.Tajubaev: "Bugungi kunda Markaziy Osiyo global va regional ta'sirga ega davlatlarning, xalqaro ma'naviy, iqtisodiy strukturalarning kurash maydoniga aylanib bormoqda. Bu mintaqaning neft, gaz va boshqa mineral xom-ashyo resurslariga boyligi bilan bog'liq"[1], - degan fikrni bildiradi.

Terrorizm muammosi haqida gap ketganda, Markaziy Osiyo mintaqasini tilga olish odat tusiga kirgan. Biz xalqaro hamjamiyat nazarida Markaziy Osiyoga salbiy qarashni istamaymiz. Markaziy Osiyoda "terrorizm olovi yonadi", "portlaydi" degan gaplarni 25 yildan beri eshitib kelamiz. Oxirgi uch yilda biz chegaralarni belgilash, suvdan foydalanishni o'zaro taqsimlash, transport kommunikatsiyalarini rivojlantirish, xavfsizlik sohasida hamkorlikni yangi bosqichga ko'tarishda muayyan yutuqlarga erishdik. Demak, Markaziy Osiyo davlatlari o'z xavfsizligini ta'minlash salohiyatiga ega"[2], - deydi A.Komilov.

Markaziy Osiyoda xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlashning mafkuraviy-siyosiy jihatlarida mamlakatlarning holatiga, qonun-qarorlarga, amaldagi milliy xavfsizlikni ta'minlash va davlatning mustaqilligini saqlash maqsadida har xil munosabatlarga bog'liq bo'ladi. Ularda xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlash uchun milliy xavfsizlik organlari yaratilgan va ularning faoliyati hamda munosabatlar tashkil etiladi. Mamlakatimiz mintaqaviy siyosatida so'ngi yillarda bo'lgan transformatsiyani Markaziy Osiyodagi